

Президент Ислам Каримовнинг «Навой вилояти Навой шаҳри тарихида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганга ҳам тўрт йилдан ошди. Утган қисқа давр ичида туман маркази, хиббон ва кўчалари, турар жой бинолари ҳар томонлама чиroy очиб, янгича қиёфа касб этди. Айниқса, Карманани Навой шаҳри билан туташтирувчи марказий кўча, Тошкент-Бухоро йўналишидаги йигирма чақиримлик йўл бутунлай қайта қурилди. Қосим шайх, Сайид Баҳром, Мирзақоробғ обидалари тасмирланди. Туман ҳокимлиги, туман ички ишлар бўлими, солиқ, ижтимоий таъминот ва бошқа идоралар янги биноларга кўчиб ўтди.

ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 2 июл, чоршанба № 101 (1526)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ПЕДАГОГ ВА ИЛМИЙ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ТАЖРИБА АЛМАШУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги ислохотлар изчил амалга ошириляётгани, бу жараён халқаро миқёсда эътироф этиляётганини, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бугунги кун даражасини ҳамда келгуси тараққиёти омилларини инобатга олган ҳолда, жаҳон амалиётида қўлланылаётган юқори технология ва илгор фан ютуқлари асосида истиқболли ёш педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашувини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси билан «Устоз» республика жамғармаси бирлаштирилсин ва уларнинг негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси ташкил этилсин. Жамғарма бошқаруви таркиби тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хўна таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, тасарруфидан олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қатор қўшма корхоналар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамғармага ҳамиқлик қилиш ҳақидаги таълифлари қабул қилинсин. Ҳомийлар рўйхати тасдиқлансин.
3. Ҳомийлар таркибини чет эллик иштирокчилар ҳисобига кенгайтириш ҳақидаги таълифлари қўриб чиқиш Жамғарма бошқаруви зиммасига юклатилсин.
3. Куйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин: мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини, фан, педагогика ва иқтисодиётимиз тармоқларининг ривожланиши даражасини жаҳоннинг энг илгор илмий изланишлар ва юқори технология ютуқлари даражасига кўтариш, Ўзбекистонда чуқур тарихий илдизларга эга ва республикамиз тараққиёти учун муҳим бўлган илм-фан йўналишларининг барқарор ривожланишини таъминлашда фаол иштирок этиш; дунёда эътироф этилган нуфузли олий таълим ва илмий марказлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро манфаатли илмий тадқиқотлар ва изланишларни ташкил этиш орқали истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар истеъдодининг очилиши ва юксалишига қўмақ бериш;
4. Жамғармининг низоми ва тузилмаси тасдиқлансин.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ва «Устоз» республика жамғармасининг ҳуқуқий вориси деб ҳисоблансин.

6. Жамғарма солиқлар, тўловлар ва боғларнинг (божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлар бундан буюрида) барча тўловларидан ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлашдан 5 йил мuddатга озод қилинсин.
7. «Узтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари-га Жамғарма фаолиятини кенг қўлама ёритиб бориш тавсия этилсин.
8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Жамғармани алоқа воситалари, шу жумладан ҳуқумат алоқаси ҳамда имтиёзли Интернет тармоғи билан таъминласин.
9. Жамғарма Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 171-уйдаги бинога жойлаштирилсин ва ушбу бино Тошкент давлат иқтисодиёт университети балансида Жамғарма балансига ўтказилсин.
10. Тошкент шаҳар ҳокимлигига Жамғармининг биносини 2003 йил 1 ноябрга-ча таъмирлаш юклатилсин.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694 сонли фармони ва 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869 сонли фармонининг 4-банди, Вазирилар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 22-сонли ва 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли қарорлари ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.
11. Мазкур фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Худайбергенов ва Т.Рисқиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 июл
И.КАРИМОВ

Хайрулла ота Эрқабоев Пойтуғ шахрининг мўътабар кишиларидан. У 80 ёши қоралаган бўлса-да, йигитнинг гайрати бор. Уйда ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Ҳозирда вилоят «Нуроний» жамғармасининг туман бўлимини бошқармоқда.

Чарқоғини ёзмоқчи бўлса, албатта маданият ва ахборотлаштириш агентлиги «Избоскан», «Пойтуғ» ширкат хўжалиқларида 70 ўринли ана шундай иншоот жорий йилнинг охиригача беморларни қабул қила бошлайди.

Бирда юмуш билан Тўртқўл қишлоғига тушаркан, уни таний олмади. Андижон – Тўртқўл катта магистрал йўлининг чекараларидаги гулзорларни завқланиб томоша қилди. Йўл бўйларидида «Кафе», дўконлар, ошоналар қишлоққа ҳусну тароват бағишлаган.

Чойхўрлик қилиб ўтириб Андижон вилоят кураш федерациясининг президенти Адҳамжон Мамажоновнинг хотамтойлигини эшитди. Ота ўғил экан. Шахсий маблағи ҳисобига венгриялик мейморлар лойиҳаси асосида 300 ўринли дангилламо қосона қуриб, маҳалладошларига совға қилибди. Қад ростилаган бу дарғоқ ҳамма-нинг севимили манзилига айланган. Маҳалла ёшлари мажмуадан ўрин олган спорт залларида турли мусобақалар уюштиришиб, бўш вақтларини кўнгилли ўтказаяптилар.

Туманда 179 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини сақлашда кенг қўламада ишлар олиб бориляпти. Пойтуғ шаҳрида 50 ўринли «Шошилин тез тиббий ёрдам» маркази фойдаланишга топширилди. Марказда малакали шифокорлардан иборат наватчилар кечакундуз хизматда. Хонадонлардан марказга кўнгирок қилиниши билан қизил хок туширилган энгил машина беморлар ҳузурда ҳозир бўлади. Шифо масканлари туманининг олис қишлоқларида ҳам тикланмоқда. Хусусан, Тўртқўл маҳалласида республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан замонвий қишлоқ врачлик яратилган. Илгорлар моддий ва маънавий ҳижатдан рағбатлантириб боришмоқда.

Корхонада ишчиларнинг унумли меҳнат қилиб, яхши дам олишлари учун шароит яратилган. Илгорлар моддий ва маънавий ҳижатдан рағбатлантириб боришмоқда.

И.ХАСАНОВ олган суратлар

Ислоҳот мевалари

Дастур менеждери Метт Моррисоннинг ҳикоя қилишича, Америка Қўшма Штатларининг Халқаро ривожланиш агентлиги томонидан сармояланиб, CHF International ва Kounterpart International ташкилотлари иштирокида амалга ошириляётган САIP дастури фаолият кўрсатаётганига бир йилдан ошди. Қисқа фурсатда 12 лойиҳа тайёрланди, амалга оширилди. Ҳозирги пайтда яна 18 та лойиҳа устида иш олиб бориляпти.

Уч йилга мўлжалланган бу дастурнинг вазифаси демократик маҳалла кенгашларига тренинг, техник қўмақ кўрсатиш. Маблағ жойлардаги иқтисодий, ижтимоий йўналишларни аниқлаш ва ҳал этиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган. Маҳаллий ҳокимликлар билан келишган ҳолда аҳоли тизғи яшайдиган қишлоқ ва маҳаллалар экспертлар ёрдамида аниқланиб, ҳалқ турмуш фаровонлигининг яхшилашга қаратилган тадбирлар олиб борилади.

Белгиланган мuddат давомида вилоятда 90 та лойиҳа амалга оширилиши керак. Ташкилотнинг менеждер ўринбосари Миржаҳон Турдиевнинг таъкидлашича, хорижий тадбиркорлар билан ҳамкорлик қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш, хонадонларни газлаштириш, тоза, сифатли ичимлик суви билан таъминлашда қулайлик яратаяпти.

ни избосканликлар биринчилардан бўлиб маъқулладилар. Мавжуд 9 та қишлоқ 150 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида хашар йўли билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш давом этипти. Аҳмадали ҳожи маҳалла фуқаролар йиғини «Обод маҳалла» кўрик-танловининг голли бўлди. Мавзе аҳиллиги, саришта-саранжомлиги, орасталиги билан эл озғига тушган. Гузар, спорт мажмуи, чойхона, пойафзал таъмирлаш устаноналари, сартарошхона

ОРЗУЛАР УШАЛИШИ

халол меҳнат туғайли, - дейди 105 ёшли Роҳилахон ая Бадалова

аҳоли хизматида. Тўй ва бошқа турли маросимлар жамоатчилик назоратида камчиқчи, осийша ўтказиляпти.

Туман ҳокимлиги қарори билан уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилот, муассасалар томонидан ҳомийликка олинган. Буларнинг барчаси меҳнат орқали, - дейди Қўғай қишлоғи ўрамиди яшовчи 105 ёшли онахон Роҳилахон Бадалова.

Яқинда уни ҳокимлик вакиллари йўқлаб келишди. Онахон кириб келган маҳмонларни қўриб қўлариди қувонч ёшлари қалқиди. Вакиллар аянинг турмуш шароити билан танишиб, унга моддий ёрдам кўрсатди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси доимо эътиборимизда, дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлимининг бошлиғи Т.Эрқабоев биз билан мулоқотда. - Шу йилнинг ярим йили мобайнида кам таъминланган оилаларга 500 минг сўм атрафиди моддий ёрдам кўрсатди. Ҳомийлар кўмаги билан ногиронларга 50 та арвача сотиб олиб берди. Ҳокимлик Пойтуғ шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида яна бир хайрли ишга кўл урди. Бу ерда жамғармамиз учун маъмурий бинони тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

Вилоят ҳокимлигининг «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик» қақирғи-Собиржон РЎЗИМатов, «Ишонч» муҳбири

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида Бош вазир ўринбосари Р.Азимов ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси раҳбари Э.де Врайер иштирокида Ўзбекистон ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари Э.де Врайер Ўзбекистонда 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида макроеқтисодий барқарорликка эришиш, чунончи, пул-кредит ва фискал-бюджет сиёсатини такомиллаштириш йўли билан инфляцияни янада пасайтириш, олтин-валюта захирасини кўпайтириш, шунингдек, конвертациядан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш борасида сезиларли ютуқларга эришилганини таъкидлади.

Шу муносабат билан ХВЖ вакили валюта айрибошлаш курслари деярли бирхиллаштирилганини таъкидлади.

Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банк томонидан ХВЖ миссияси билан маслаҳатлашган ҳолда миллий валютамизнинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилинишини таъминлашга доир ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилгани ҳақида маълумот берилди. Ушбу режанинг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасига 2003 йилнинг ноябр ойи охиригача Халқаро валюта жамғармасининг Жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияни жорий қилиш масалалари тўғрисидаги моддалари битимининг VIII моддаси талабларини қабул қилиш имконини беради.

Шунингдек, матбуот анжуманида макроеқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш иқтисодиётнинг асосий жабадлари, айниқса мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, аграр сектор ҳамда капитал қурилиш соҳасида тузилмавий ислохотларни чуқурлаштириш учун асос яратгани ҳам қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов ва ХВЖ миссияси раҳбари Э.де Врайер Ўзбекистон ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан саволларига жавоб берди.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ШИФОХОНА

Хатирчи туманида йигирмадан ортиқ қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Яқинда уларнинг сони яна биттага кўнайди. Мирзо Улукбек номидаги ширкат хўжалигида беш минг аҳолига хизмат кўрсатадиган шифохона фойдаланишга топширилди. Уни Навой вилоят қишлоқ қурилиш бошқармасига қарашли «Монолит-XXI» шўба корхонаси курувчилари бунёд этди. Ундаги гинекология, оналар ва болалар, физиотерапия, стоматология, ташхис қўйиш каби бўлимларда ун нафар малакали тиббиёт ходими меҳнат қилаётди.



Чайдарига газ келди

Чайдарига газ келди. Янгиқилиш ва Баландчайла аҳоли масканларига ярим йил ичида 3,5 километр узунликда ўрта ва паст босимли газ қувури тортиб келинди. «Зангори олов» ёна бошлади. Бу хайрли ишга 5 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, шунинг Муаммолар ечимини топишда хорижий ҳамкорлар ёрдамга келишди. Улар қишлоққа газ қувури тортиб келишиб, марказий тармоққа улашди.

Уша кунни тоғликлар учун чинакам байрам бўлди, десак янглишмаймиз. Қувончи маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст ва Америка Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID)нинг республикамиздаги вакили Жеймс Гоггин қатнашди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Маҳалла ҳаракатини сармоялаш, САIP дастури доирасида қишлоқларни газлаштириш, тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Камаши туманидаги 2,3 миллион сўми халқаро ташкилот томонидан акратилди. Бундан икки-уч йил муқаддам Касби туманидаги Пандирон қишлоғи аҳолиси тоза ичимлик сувини оруз қиларди. Чунки оби-ҳаёт анча олис масофадан ташиб келириляпти эди. Бундан ҳам ҳамкорлик самара берди. Муаммо ҳал этилиб, қишлоқдаги 450 хонадон ичимлик суви билан таъминланди.

«Қабул-Фарғона» қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари орасида аёллар кўпчилигини ташкил этади. Улар Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан қўриб олиш учун ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифатлиги билан ахтарилиб туради. Эътиборлиси шуки, эндиликда турли мато ва газламалар хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.



«Қабул-Фарғона» қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари орасида аёллар кўпчилигини ташкил этади.

Чайдарига газ келди

Чайдарига газ келди. Янгиқилиш ва Баландчайла аҳоли масканларига ярим йил ичида 3,5 километр узунликда ўрта ва паст босимли газ қувури тортиб келинди. «Зангори олов» ёна бошлади. Бу хайрли ишга 5 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, шунинг Муаммолар ечимини топишда хорижий ҳамкорлар ёрдамга келишди. Улар қишлоққа газ қувури тортиб келишиб, марказий тармоққа улашди.


Бандлик дастури амалда

ЎЗЛАРИ СЕВГАН КАСБДА

Қасаба уюшмалари Жиззах вилоят Кенгаши Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда янги иш ўринлари яратиш борасида катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, жамоа шартномаларида ҳодимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиш шартлари юзасидан қабул қилинган бандлар 5608 та бўлиб, шундан 5267 таси бажарилди.

Утган давр ичида вилоят бўйича 17 минг 199 та янги иш ўринлари яратилиши керак эди. Амалда эса бу рақам 21 минг 82 тага етказилди. Айниқса, Фаллаорол, Зомин туманларида яхши натижаларга эришилди. Янги иш ўринлари турли манбалар ҳисобига яратилмоқда. Хусусан, Бандлик жамғармаси ҳисобидан шу мақсадга 305,1 миллион, давлат бюджетидан 987,7 миллион сўм сарфланди. Тижорат банклари улущи ҳам қўлайиб боришмоқда. Чет эл сармоясининг бу борадаги урмуш қўлайиб бораётгани айниқса қувончлидир. Бугунги кунда «Жиззах ЛРС-Пласт» Ўзбек-Германия қўшма корхонасида 32 киши, «Жигри» Ўзбек-Британия қўшма корхонасида 180 киши, «ЎзЭксайд» Ўзбек-АҚШ қўшма корхонасида 147 киши доимий иш билан таъминланган. Меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган 4140 киши квоталанган иш ўринларига жойлаштирилди. Шунингдек, ўтган йили 200 нафар ноқонуний ишдан бўшатилган ишчи-хизматчилар қасаба уюшма ташкилотларининг бевоқиф араласида сўнг ўз вазифасига қайта тикланишди.

Илҳом ТУСУНОВ



Истиқлол берган имкон БУ МАФТУНКОР ЙЎЛЛАР

Йўл ва кўприк қуриш, одамлар узоғини яқин қилиш энг савобли ишлардан бири. Лекин шўролар даврида бу соҳага унчалик эътибор берилмади. Натижада йўлларимиз жаҳон андозалари талаблари даражасидан анча орқада қолиб кетди. Фақат мустақилликка эришганимиздан кейинги йилларда йўлларни таъмирлаш, қуриш, сақлашга эътибор кучайтирилди. Биргина Қамчиқ доводидан мисли қурилмаган юмушларнинг амалга оширилгани фикримизнинг яққол далилидир. Тошкент шаҳрида кўплаб янги, замонавий кўприкларнинг қурилганлиги, йўлларнинг кенгайтирилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Айниқса, мамлакатимизнинг узоқ ҳудудларида бу юмуш анча жонланганлиги қувончли ҳолдир. Мисол учун истиқлол йилларида Сурхондарё вилоятида юзлаб километр йўллар қайта таъмирланди. Кўприклар қурилди. Улар жаҳон андозалари талабларига яқинлаштирилди. Айтиш мумкинки, бу юмуш «Сурхондарёавтоёйи» бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг фидойилиги эвазига эришилди. Чунки йўлсозларнинг иши бошқа соҳаларга қараганда анча қийин. Айниқса, ёз шароитида ҳаво ҳарорати 40 даражадан ошганда, «ёнай» деб турган асфальт ховурида кун бўйи ишлашнинг ўзи бўлмайдди. Бугунги кунда бирлашманинг Жума Расулов, Ҳасан Нормуратов, Норқувват Раимов, Норхидир Қажаров, Алишер Бобоқулов, Рустам Шаманов, Абдусаттор Тангриқулов каби ишчи-хизматчилар ана шундай фидойилик кўрсатиб, умумий ютққа ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Жамоамиз ҳаммаси бўлиб 2700 километр умумфойдаланув йўлларига хизмат кўрсатиб келмоқда, - дейди бирлашма бош муҳандиси Фуқрат Муқимов. - Шундан 320 километри халқаро, 1244 километри республика, 607 километри вилоят, 529 километри маҳаллий аҳамиятга эга йўллардир.

Бирлашма иқтисодида назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йилга нисбатан ўсиш бўлганлигини кураимиз. Масалан, бултур беш ой ичида маблағ тушуми 968 миллион 315,8 миң бўлган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 1 миллиард 246 миллион 66,7 миң сўмни ташкил этди. Яъни тушум бўйича 28,6 фоиз ўсишга эришилди. Бунинг натижасида асосий фаолият бўйича кўплаб муаммолар ҳал қилинди. Қурилиш-монтаж, таъмирлаш ишларига ўтган йилдаги нисбатан кўпроқ маблағ ажратилиши имконини берди. Ўтган давр ичида асосий фаолиятда таннарх 452 миллион 770 миң сўмга ушдаланди. Бажарилган ишдан олинган тежам 40 миллион 457 миң сўмни ташкил қилди. Рентабеллик даражаси 5,5 фоизга тўғри келди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бўйича режа ҳам ортинги билан бажарилди.

Ўтган мuddатда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича бирмунча ишлар қилинди. Мисол учун йўлларга 200 дан зиёд етишмайдиган белгилар ўрнатилди. 2315 та эскирган йўл белгилари алмаштирилди. 90 километрда йўлнинг қатнов қисми белгиланди. 43 та автобус бекатлари қайта таъмирланди ва ҳоказо. Йўл четларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Хусусан, баҳорда режадаги 32 миң ўрнига 43 миң туздан зиёд манзарали ва мевали кўчат ниҳоллари ўтказилди.

Бу йил бирлашманинг ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналарида бир қатор муваффақиятларга эришилди. Жумладан, асфальт-бетон ишлаб чиқариш 20 миң ўрнига 28 миң тоннага етказилди. Бошқача айтганда, бу борада режа 140 фоизга ошириб олд этилди. Норузда маҳсулотларини тайёрлаш эса 75 миң метр кубга етказилди.

Айниқса йўлчилар пудрат соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Бу борада 59 миллион 21 миң сўмлик ўрнига 144 миллион 662 миң сўмлик иш бажарилди. Бу 245 фоиз демакдир. Бажарилган ишдан олинган фойда наҳд 26 миллион 762 миң сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси 18,5 фоизга тенг бўлди. Ўртача бир ойлик маош 40 миң сўмга яқинлашди.

Бирлашмада ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, улар меҳнатини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Маъмурийат билан қасаба уюшма қўмитаси ўртасидаги жамоа шартномасига асосан ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Уларнинг меҳнатдан сўнг маданий ҳордиқ чиқариши учун алоҳида хоналар ажратилган. Ўтган беш ойда меҳнат муҳофазасига 2 миллион сўмдан зиёд маблағнинг ажратилгани ҳам бу ерда ишчиларга қилинаётган ғамхўрликнинг қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Бирлашмага қарашли «Вахшивор» оромгоҳи бу йил мавсумга яхшилаб тайёрланди. Бу ерда 100 ўринга мўлжалланган 2 қаватли янги корпус қурилиб, фойдаланишга топширилди. Оромгоҳда иккинчи стадион ишга туширилди. Натижада оромгоҳда ёз бўйи 800 нафар болани дам олдириш имкони туғилди. Айни кунларда бу ерда йўлчилар фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Ғулום ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири

ҲУНАРМАНД АЁЛЛАР

Юртимизда фаолият кўрсатётган нодавлат нотижорат ташкилотлари чекка вилоятларда ҳам кенг қўлланил, эзгу ишларни амалга оширмоқда. «Аёллари тинч яшаган юрт - обод бўлади» шiori остида, Американинг «Саunterpart Sопsorcium» Фонди кўмаги ва ҳамкорлигида Урганч шаҳрида «Мансура» аёллар марказининг иш бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Икки йил бурун «Навбахор» маҳалласида ишсизлик муаммосини ҳал этишга ёрдам бериш мақсадида марказ томонидан тикувчилик ўқув курси ташкил этилган эди. Дастурга биноан ўқув курсларида маҳалланинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган хотин-қизлари учун ой давомида тикувчилик сирларини бепул ўрганилди. Бу ерда аёллар ва болалар



қийим-кечакларини бичиш, кўрпа, яйма кўрпа, бешик жилдлари, парда дизайни тикиш сирларини ўргатиш йўлга қўйилган. Ўқув курсида юқори малакали бичувчи-тикувчи ва парда дизайни бўйича мутахассислар сабоқ бермоқда. - Тикувчилик курси кўп қиррали фаолиятимизнинг бири, холос, - дейди марказ раҳба-

А. ЮНСОВ,
«Ишонч» мухбири



Вазирлар Маҳкамасининг 2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш мосламалари билан жиҳозлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорини амалга ошириш бўйича самарали ишлаётган «Сирдарёгазтаъминот» шўбба корхонасининг ишчи-хизматчилари 25393 та хонадонга газ ўлчагич асбоблари ўрнатдилар. Улар айни кунларда мазкур тадбирни тез ва сифатли ўтказиш учун бarcha имкониятни ишга солишмоқда.

Суратларда: шўбба корхонаси ҳаётидан лавҳалар.

И. ХАСАНОВ олган суратлар

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Вазирлар Маҳкамасининг ахборотлаштириш, компьютерлаштириш ва телекоммуникациялар тармоғини ривожлантиришга қаратилган қарорлари аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, соҳани янада тараққий эттириш, таъмирлаш, модернизацциялаш имконини яратди.

Хусусан, республикада иқтисодий салоҳияти жиҳатидан катта аҳамиятга эга Қашқадарё вилоятида телекоммуникацияни кенгайтириш ва тақомиллаштиришда ижобий ўзгаришлар юз берди. Сертавиш ва машаққатли касб эгалари бўлган алоқачилар шаҳар ва туманларда аҳолининг алоқа хизматига талаб эҳтиёжларини қондиришда бир мунча муваффақиятга эришилди.

Вилоятда тармоқ қуввати ошиб, янги бир неча АТСлар ишга туширилди. Мавжуд станциялар ва иншоотларнинг сифимларидан унумли фойдаланишга. Телекоммуникация хизматининг янги турлари жорий этилмоқда. Оптик толали кабеллар, рақамли электр ускуналаридан фойдаланиладиган истиқболли технологиялар қўлланилди.

Қарши шаҳри қуввати 13500 рақамли ягона бошқарув станцияси ва ўзаро ишчи толали тизимга уланган 6 рақамли стан-

«Қашқадарётелеком»

Китоб оралиғида 960 рақамли линияга мўлжалланган ишчи толали кабел ётқизилди. Қарши шаҳридаги эскирган АТСлар янги-сига алмаштирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Шаҳрисабз-Яккабоғ-Қашаши оралиғида 960 рақамли тизимга мўлжалланган радиореле ишга туширилди, Яккабоғ ва Қашаши шаҳарларида 2500 рақамли эски АТСлар

АЛЛО, ҚАРШИ ЭШИТАДИ

филиали директори Самад Каримовнинг ҳижоа қилишича, вилоятда алоқа хизматини ривожлантиришнинг яқин истиқболга белгиланган дастури ишлаб чиқилган.

Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари оралиғида 480 каналга мўлжалланган рақамли алоқа кўп каналли радиореле линияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўҳна ва ҳамиша нақвирон Кешда янги станциянинг дастурий таъминлаши, ускуналарнинг замонавий жиҳозланиши шаҳарга жойлашган қўшни туманларда ҳам телекоммуникация тармоқларини қайта таъмирлаш ишларини бошлашга имконият яратиб берди. Шаҳрисабз,

ўрнига янги қурилди. - Бозор иқтисодиёти шароитида алоқа ривожланишининг устувор йўналишлари ҳисобланади, - дейди Қарши филиали директори Жуманазар Бозоров. - Шу боис телекоммуникация тармоқларини бозор муносабатларини шакллантириш, акцияларни хориж инвесторларига сотиш, уяли алоқани йўлга қўйиш, қардорликни бар-тароф этиш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва малакасини ошириш чора-тадбирлари қўриллапти.

Тармоқни янгиташ жаҳонга доғи кетган «Алкател», «Мицуи» ва «Хуавэй» фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни қўллаш ҳисобида

Келгусидаги режалар янада катта. 2003 йилда Яккабоғда 1000, Чирқоч, Косон шаҳарларида 2500, Муборақда 5000 рақамли станциялар ишга туширилди. Қарши шаҳридаги эскирган шаҳарлараро автоматик станция янги-сига алмаштирилди.

«Уздунробита» бу йил вилоят марказида янги замонавий GSM 900 стандартини ишга туширади. Жорий йилда Шаҳрисабз, Яккабоғда ҳам ушбу тармоқлардан фойдаланилади. «ДЭУ-Юни-тель» Шаҳрисабз, Косон ва Муборақда замонавий линияларни қуриб битказди.

И. ИZZАТОВ

Ижтимоий суғурта

АСОСИЙ МАБЛАҒ соғломлаштиришга

Жиззах вилоят қасаба уюшма ташкилотлари ижтимоий суғурта бадалларини ўз вақтида ундириб олишга ва улардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Хусусан, 2002 йил давомида вилоят бўйича 258 миллион сўм ижтимоий суғурта бадаллари ундириб олинган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорағида бу кўрсаткич 44 миллион сўмни ташкил этди.

Ижтимоий суғурта бадаллари йиғиб олиш режаси ошириб бажарилган бўлса-да, ажратманинг камайганлиги натижасида маблағ етишмаслиги сезилмоқда. Шунинг учун ҳам ижтимоий суғурта маблағларидан оқилона фойдаланиш қасаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир.

Буни ўз вақтида тушунган қасаба уюшмалари унинг асосий қисмини меҳнатқашларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга сарфлашмоқда. Биргина ўтган йили ходимларни санаторий-курортларда соғломлаштириш учун 95 миллион сўм маблағ ажратилди. 1300 нафардан ортик киши ўз соғлиқларини «Чинобод», «Турон», «Ботаника», «Чимён», «Умид гулшани» каби санаторийларда тиклади.

Йўланмалар биринчи навбатда кам таъминланган оилаларга, уруш қатнашчилари ва унга тенглаштирилганларга, диспансер ҳисобида турувчи беморларга тарқатилмоқда. Жумладан, 15 та йўлланма байналмилалчи

жангчиларга ажратилди. Вилоятимизда касб ходимларини оммавий соғломлаштириш аънавага айланиб бормоқда. Масалан, қишлоқ ҳўжалик ходимлари сийхатқоғларга куз ва қиш даврида юборилса, ўқитувчилар ёзги мавсумда соғломлаштирилмоқда.

Ҳўжалик, ташкилотлар маблағлари ҳисобига жорий йилнинг ўтган даврида 150 нафар киши саломатликларини мустаҳкамлади.

Бундан ташқари ижтимоий суғурта бадалларининг катта бир қисми болалар оромгоҳлари учун сарфланмоқда. Масалан ўтган йили шу мақсад учун 67 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди. Жорий йилда 6650 нафар бола оромгоҳларда бўлиши режалаштирилган.

Соғломлаштиришда санаторий-профилакторийлар аҳамияти катта. Шу боис ўтган йили 325 нафар киши шундан ажралмаган ҳолда ушбу дам олиш масканларида дам олдилар. Сир эмас, бу борада сўнгги йилларда маблағ етишмаслиги туфайли ишлар бир мунча оқсоқланиб қолган эди. Шунинг ҳисобига олиб, вилоятдаги корхоналар маблағини бир жойга тўплаб, санаторий-профилакторий очиш кўзда тутилган.

Исомиддин БАКАЕВ,
Жиззах вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши ижтимоий суғурта бўлими мудури

Саломатлик — туман бойлик

НОГИРОНЛАР КОМИССИЯ НАЗОРАТИДА

Турақўрғон туманидаги тиббий меҳнат-экспертиза комиссияси Марказий поликлинанинг 3-қаватида жойлашган. Бу ерда ишловчилар ва қабулга келувчилар учун барча шароитлар яратилган. Қабул хоналари кенг, ёруғ ва шинам. Беморларга олий ва биринчи тоифали 3 нафар ҳақим, икки нафар ҳамшира хизмат кўрсатишмоқда.

Аҳил жамоа Вазирлар Маҳкамасининг, Ижтимоий таъминот вазирлигининг ногиронларни ҳимоялаш, соғломлаштириш, ижтимоий-тиббий реабилитация қилиш ҳақидаги қарор ва кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ишни ташкил қилишган.

ТМЭКда шифокорлар зиммасига ўта масъулиятли вазифа юклатилган. Чунки улар ҳузурга оддий бемор эмас, дарддан азоб чеккан, эндигина оёққа туриб, ўзини енгилроқ қилиш эстабтан кишилар наҳот истаб келадилар. Шунинг учун мададга муҳтож инсонларни синчиклаб текшириш, сўнгра адолатли ҳулоса чиқариш осон эмас.

Фаолиятимиз йил сайин яхшиланмоқда, - дейди биз билан суҳбатда туманлараро ТМЭК раиси Обидхон Немаматуллаев. - Ўтган йили 402 нафар ногиронга ишга жойлаштириш учун тасвия бердик. 81 нафар ногирон эса касбини ўзгартирди.

М. НАБИЕВА

УЙ БЕКАЛАРИ ҚУВОНЧИ

Қоровулбозор туманида уй бекаларини иш билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Эндиликда туманининг ҳар бир корхонаси бу хайрли ишга ўз улушини қўшаёттир.

Жорий йилнинг ўтган ойларида рўйхатдан ўтган 66 нафар ишсиз хотин-қизнинг 41 нафари ишга жойлашди, - деди туман ҳокимлиги етакчи мутахассиси М.Мирзаева «Туркистон-пресс» мухбирига. - Олти нафар уй бекаси ўз деҳқон ҳўжалигини барпо қилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳокимлик аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими билан ҳамкорликда айнан мана шу аёлларга имтиёзли кредитлар ажратмоқда.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

Яқин Шарқда вазият барқарорлашга бошланди. Қуни кеча Фаластин айирмачи ташкилотлари террорчилик ҳаракатларини тўхтатганини эълон қилди. Бунга жавобан Исроил қўшинлари Ғазо минтақасининг шимолий қисмини тарқ этиб, ҳудуд назоратини Фаластин хавфсизлик кучларига топширди.

Швейцариянинг Женева шаҳрида БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг (ЭКОСОС) навбатдаги анжумани бошланди. 54 мамлакат вакиллари иштирок этаётган мазкур анжуманда дунё иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда.

Икки Корея ўртасидаги муносабатларда ижобий ўзгаришлар рўй бераёттир. Ўтган ҳафта КХДРнинг Кимгансан дам олиш масканида бўлиб ўтган учрашувда икки мамлакат қизил хоч жамиятлари вакиллари Корея уруши натижасида ажралиб кетган оилалар учрашувини тез-тез ўтказиш масаласи юзасидан келишувга эришди.

АҚШ Фазони тадқиқ этиш ва аэронавтика миллий агентлиги (НАСА) Марсда юришга мўлжалланган «Оппортюнити» («Имконият») қурилмаси парвозини техникавий сабабларга кўра кечқиртирди. НАСА вакили Жорж Миллер-

нинг хабар беришича, қурилмани орбитага олиб чикувчи «Делта-2» элтувчи ракетасининг ҳимоя қопламасида носозликлар топилган.

Ғайриоддий зотилжам Осиев ва Океания минтақасидаги давлатлар иқтисодиётига жиддий зарар етказди. Унинг асосий қисми сайёҳлик фирмалари ҳамда авиакомпанияларга тўғри келаёттир. Осиев ва Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти мутахассислари зотилжам натижасида қўрилган зарарни 25-30 миллиард АҚШ доллари миқдорига баҳоламоқда.



Европа Иттифоқи раҳбарияти ўзгарди. Ташкилотга раислик қилиб келган Греция ўз ўрнини Италияга топширди. Энди Италия кейинги ярим йил давомида ЕИГА раҳбарлик қилади.

Филиппинда ҳукумат қўшинлари билан исёнчилар ўртасида қуроли тўқнашув содир бўлди. Натижада 13 нафар аскар ҳамда исёнчилардан 1 нафари ҳалок бўлди. Мазкур тўқнашувдан бир неча кун аввал Филиппин ҳукумати ҳамда исёнчилар раҳбарлари ўртасида музокара бўлиб ўтган эди.

Франция ва Германия биргаликда биринчи «Европа ҳудудий округи»ни ташкил қилишга келишиб олди. Мазкур округ Франциянинг Страсбург шаҳри атрофида ташкил қилиниб, унинг таркибига Германиянинг Кил ҳамда Оффенбург шаҳарлари ҳам киритилади. Округ аҳолисининг умумий сони 860 миңни ташкил этиши керак.

Жазирда авиация транспорти ҳалокати содир бўлди. Ҷува машини бажарётган С-130 «Геркулес» ҳарбий транспорт самолёти турар-жой биноси устига қулаб тушди. Оқибатда 15 киши, жумладан, 7 нафар ёш бола қурбон бўлди.

(ЎЗА)

Ўтган беш ой ичида Вобкент туманида кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони аввалги йилга қараганда ўттизтага ошди.

ОМАД КАЛИТИ

Бу банкларнинг ўз ишларини бошлаётган тadbиркорларга имтиёзли кредитлар бериб қўллаб-қувватлаши шарофатдандир. Хусусан, беш ой мобайнида тумандаги урта банк филиали томонидан «Оила» тури бўйича жами 16,9 миллион сўмлик беш фоизли кредитлар ажратилди.

Бу борада Миллий банк ва «Пахтабанк»нинг туман бўлими алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. - деди туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси раиси А.Ражабов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Жорий йилнинг дастлабки чорағида улар томонидан тadbиркорларга 65 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Кредитларнинг асосий қисми аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш туман бўлими захиралари ҳисобига ажратилмоқда. Масалан, ушбу жағмага томонидан «Шаҳзод-Асад» хусусий фирмасига олти миллион сўм ажратилди.

Кунни кеча энг бахаво, сўлим, бетакрор табиат манзараларига эга бўлган Чимёнда жойлашган «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида кизлар ўртасида VIII анъанавий волейбол турнири бўлиб ўтди. Унда Навоий, Хоразм, Фаргона, Наманган, Тошкент вилоятларидан таширф бўлган кизлар волейбол жамоалари ҳамда «Алгоритм-1», «Алгоритм-11» волейболчи кизлар жамоалари иштирок этдилар.

АНЪАНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛ ТУРНИРИ

Бир ҳафта давом этган анъанавий волейбол турнири оромгоҳимизда саккизинчи бор ўтказилмоқда, дейди «Алгоритм» болалар оромгоҳи раҳбари Йўлчи Раҳимжонов. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу турнирни кичик чемпионат дейиш мумкин.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, аввалги турнирларда пешқадам бўлган жамоалар катта майдонларда ўз иқтидорларини намойиш этмоқдалар. Айниқса, улар «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» каби нуфузли мусобақаларда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.


Шу ўринда ушбу оромгоҳда фаолият кўрсатаётган жонкуяр инсонларнинг спортни оммалаштириш, айниқса, республикада болалар спортини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Оромгоҳда спорт мусобақалари, турнирлар, спартакиадалар ташкил этиш анъанага айланган. Оромгоҳ раҳбари Йўлчи Раҳимжоновнинг Тошкент шаҳар волейбол Федерацияси вице президенти эканлиги ҳам ишни намунали йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Болалар меҳрибон ва ғамхўр бу фидойи раҳбарни аксарият ҳолларда ўсмир-ёшлар орасида спорт формасида, уларга таълим-тарбия бераётган ҳолатда учратасиз. Дам олишга келган болакайлар бу маскандан спортга ҳақиқий ошно бўлиб қайтмоқдалар.

Дам олиш масканининг худуди фусункорлиги билан бирга, футбол, волейбол майдонлари ҳар томонлама талабга жавоб бериши ёшларни беҳад мамнун этмоқда, дейди оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган пойтахтдаги 84-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Беход Муродов. «Обхавосинику гапирмаса ҳам бўлади. Ўзини давомидан гир-гир эсаётган шаббода кишига роҳат бағишлайди. Тез-тез бўлиб ўтадиган спорт мусобақалари эса бизга спорт соҳасида катта мактаб бўлмоқда.

Хозирда бу ерда 800 нафар иккинчи навбат болалари дам олмақда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, «Алгоритм»да имтиёзли йўлланмалар асосида Қорақалпоқ фарзандлари, пойтахтдаги 23- ва 22-меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам таътилни мириқиб ўтказмоқдалар.

Оромгоҳимизда кун-дейиш мумкин.




да байрам, - дейди «Алгоритм»да дам олаётган қорақалпоғистонлик Омонбой Тўлабеков. Манзарага бой бўлган атроф-муҳит, кўкату гуллар, чиройли шаклга келтирилган дараклар, яшилликка бурканган қиру адирлар, салобатли тоғлар — ҳамма-ҳаммаси бир умр ёдимизда қолади. Қувноқ мусиқа садолари доимо рақсга чорлаб туришини айтмайсизми. Айниқса, «Оловиддин» эстрада шоу гуруҳи, «Тошкент» миллий карнай-сурнай гуруҳи, рақс дасталарининг бу ерга келиб концерт бераётгани руҳиятимизни янада кўтариб, ҳаяжонга бой, роҳатбахш ҳис туйғулар ато этмоқда.

Энди яна анъанавий волейбол турнирига қайтасан. Қизгин мусобақалар натижасига кўра финалда биринчилик учун «Алгоритм-1» ва Наманган вилоятининг волейболчи кизлари аjoyиб ўйин кўрсатдилар. Партиалар бўйича «Алгоритм-1» волейболчи кизлар жамоаси 3:0 ҳисобида голибликни қўлга киритиб, шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди. Бу «Алгоритм» ҳиссадорлик жамияти волейболчиларининг кетма-кет саккизинчи ғалабаси бўлди.

Наманган вилояти

спортчи кизлари иккинчи, навоийлик волейболчилар учинчи ўрин соҳибаси бўдилар.

Турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида икки марта олимпиада ўйинлари чемпиони, Ўзбекистон




волейбол Федерацияси котиби Вера Дуюнова, Ўзбекистон Олимпия кўмитаси вице президенти Лариса Павлова, Тошкент шаҳар Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси Шоирком Исроилов иштирок этиб, спортчиларни муваффақиятлар билан қутладилар.

Ғолибларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент шаҳар тармоқ касабаси уюшма кўмитаси, Тошкент шаҳар волейбол Федерацияси томонидан таъсис этилган қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Қолган иштирокчилар ҳам муносиб тақдирландилар.

Дарвоқе, спорт байрами баҳона оромгоҳ катта тантаналар майдонига айланди. Дам олаётган болажонлар учун байрам дастурхони безатилиб, ош тортиди, улар музқаймоқ билан меҳмон қилинди. Айниқса, рангоранг мушакбозлик кўнгилларга ўзгача бир ёруғлик олиб кирди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби

ЎЗ ГАШТИ ЎЗГАЧА



Фаргона вилояти таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма кўмитасига қарашли «Коинот» оромгоҳида 323 нафар ўғил-қиз мазмуни ҳордиқ чиқармоқда. Мавсум охиригача бу ерда 1300 нафарга яқин бола дам олдирилади.

Оромгоҳда барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, малакали тиббиёт ходимлари болалар саломатлигини кузатиб боришапти. 26 нафар ширинсўз педагог-тарбиячи улар атрофида парвона.

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Бугун сўлим оромгоҳлар қўйнида болажонларнинг шодон кулгулари янграмоқда. Мавсумга пухта ҳозирлик кўришда табиийки, санитария-эпидемиология назорати Давлат маркази мутахассисларининг ҳам ўзига яраша ҳиссалари бор. Улар ичимлик суви таъминоти, канализация шохобчалари, ошхона, ётоқхона ҳамда ўйингоҳларнинг тегишли талабларга жавоб беришини қатъий назоратда олишган.

Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бу йил «Автомобилчи», «Чотқол», «Келажак» ва «Ал-

кўрсатиш хоналари янги ускуналар билан жиҳозланганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Дори-дармонлар етарли. Озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузилган.

Лекин бу ўта муҳим тадбирга совуққонлик билан қараётган айрим қорхона раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Улар ёзги бо-

болалар орзиқиб кутган оромгоҳ ўз фаолиятини белгиланган муддатда бошлаш олмади.

Ангрэн шаҳридаги 9-конга қарашли «Коинот» болалар оромгоҳига ҳам 20 июн кунни белгиланган 500 бола ўрнига 310 нафар бола қабул қилинди ҳоло. Мана шундай камчиликлари Бўстонлик туманида жойлашган «Ғунча», «Ке-

ҲУЗУРБАХШ ОНЛАР


лалар оромгоҳларини моддий техника матери-аллари билан ўз вақтида таъминламаганликлари

лажак», «Шарқ юлдузи» оромгоҳларида ҳам мажбур.

Шуниси ачинарлики, айрим оромгоҳ раҳбарлари санитария-эпидемиология назорати Давлат маркази мутахассисларининг кўрсатиб ўтган камчиликларини ўз вақтида бажармаётдилар. Суви таъминоти шохобчалари, сузиш хавзалари қошидаги душхоналар, тиббий пунктлар ўз вақтида белгиланган меъёрлар асосида таъмирдан чиқарилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Масалан, «Нурафон» оромгоҳи шулар жумласидандир.

Соғломлаштириш мавсуми авжи палласига кирди. Шу боисдан ҳам, ҳар бир қорхона раҳбари, касабаси уюшма ходими ёнги бу ишга мутасадди шахс ушбу муҳим тадбир фарзандларимиз соғлиги, маънавияти ҳамда келажаги билан узвий боғлиқ эканлигини бир зум ҳам унут-тишга ҳақли йўқ. Чунки келажакимиз бўлган фарзандларимиз олдидаги бурчимиз айнан шуни тақозо этади.

М.АЛИЕВА,
Тошкент вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бўлим мудири



натижасида белгиланган вақтда болаларни қабул қила олмади. Шунингдек, мавсумга тайёргарлик даврида турли хатоликларга йўл қўйилганлиги оқибатида ҳамон нуқсонлар учрамоқда. Масалан, «Йўлчи» болалар оромгоҳини олиб кўрайлик. Бу ерда 20 кишидан иборат қурувчи мавсумга тайёргарликка 12 май оромгоҳлар худуди чиройли қилиб безатилган. Тиббий хизмат

Ун гектарни ташкил этган бу маскан Чортоқсойнинг гарбий қирғоғида энг хушманзара жойда жойлашган. Мевали ва манзарали дараклар, анвойи гуллар баҳри-динини очди. Шифобахш минерал суви болалар сиҳатгоҳини танитган асосий омиллардан биридир. Унинг таркибида йод, бром, натрий хлорид, кальций ва бошқа касалликларни даволашда гоьтада асосатдаган моддалар бор. Сунги йилларда ободончилик ва таъмирлаш ишларига эътибор кучайди. Эндиликда намунали дам олиш бўлимлари, аjoyиб мактаб, спорт майдончалари мажбур.

С.АЪЗАМОВА,
«Ишонч» муҳбири

Кунда бир янгилик «ПАХТАОБОДНОН»НИНГ ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТИ

Яқинда Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов тумани маркази-Пахтаобод кўрғонига аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ердаги деҳқон бозори ёнида «Пахтаободнон» кичик қорхонаси ишга туширилди. Бу қорхонага Янгйер шаҳри яқинида жойлашган Ховос шаҳарчасидаги «Ховосдон» акционерлик жамияти бошқаруви ва бошқа ташкилотлар хомийлик қилмоқдалар.

Хозирги пайтда «Пахтаободнон» кичик қорхонасида 6 нафар малакали ишчи унумли меҳнат қилаётди. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар ҳаридорларга манзур бўлапти. Сифатли нон ва нон маҳсулотларини тайёрлашда Туркиянинг «Экмасан» номли технологиясидан фойдаланилаётди. Шунингдек, бу ерда аҳоли истеъмоли учун макарон ишлаб чиқаришда Тошкент технологияси жуда қўл келаяпти.

Яқин кунларда қорхонамизда пишириб-тайёрланаётган нон маҳсулотларининг сифатини янада яхшилаб, турларини анча кўпайтириш ниятидамиз, - дейди «Пахтаободнон» кичик қорхонаси раҳбари, Ўрол Маматкулов. - Бундан бунён тешик кулча, печенье, навбат ва парварда каби қандолат ва ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Негаки вилоят марказидан анча узоқ масофада жойлашган кўрик туманимиз аҳолиси ўртасида бундай озиқ-овқат маҳсулотларига талаб катта. Яна аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Пахтаобод кўрғонининг аҳоли зич жойлашган мавзе ва кўчаларида нон маҳсулотлари ҳамда қандолатлар билан савдо қилувчи 2 та янги дўкон очилиши режалаштирганмиз.

А.ИМОНОВ

Денов тумани хўжалиқларида бўлиб, сидқидилдан меҳнат қилаётган ғаллакорлар, пахтакорларни кўриб дилдан қувонасиз. Улар мустақиллигини янада мустахкамлаш, Ватан бойлигига бойлик қўшиш ишига муносиб ҳисса қўшаётганлар қалби яшаш, яратиш ишчи билан ёнмоқда.

Бирок, туман прокуратури, адлия катта маслаҳатчиси Эргаш Менглиев таъкидлаганидек, шундай кимсалар ҳам борки, уларнинг туриш-турмуши, ноқонуний ишлари қалбларни ларзага солади. Эсиз умр, эсиз ёшлик, дейсан ногаҳон.

ЯНА ҚОРА КУРСИДА

Бўлиб ўтган воқеа барчани лол қолдирди. Сабаби, ҳамқишлоқлар катта умид болаган Рашид Йўлдошев усталик билан кун кечириб юрган бир маккор бўлиб чиқди. У олдин ҳам бир неча бор оғир жиноятлар содир этиб, судланган, тегишли жазосини олиб ўзинча «мулла» бўлиб юрганди. Одамнинг олмаси ичида деганларидек, вақт ўтиши билан у эски хунарини бошлади. Узи каби бели оғирмай пул топишга жазм қилган З.Шоимов билан ошно бўлган, ишга киришди. Ярим тунда қишлоқма-қишлоқ кезиб ўлжа излади.

Табийки, бундайларга соддадил кишилар қўл келади. Кунларнинг бирида А.Шарипов исмли шахс «Тико» автомашинасида кира қилиб юрарди. Катта йўл четиде қўл кўтарган икки нафар нусхачи ўзинча йўловчи деб ўйлади. Арзиманган манзил учун яхши пул ваъда қилган йўловчилар орқа ўриндиққа ястаниб ўтириб олишди. Гурунг бошланди. Улар Ш.Рашидов номидаги ширкат хўжалигининг «Оққўрғон» маҳалласи худудига етишганида икки ғаламис кўқисдан хайдовчига ташланди. З.Шоимов рунда ўтирди. Машина ярим тунда қишлоқ кўчалари бўйлаб олиб кетди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган Р.Йўлдошев чалажон хайдовчининг қўл-оёқларини чандиб боғлади. Сўнг «Қоралан» қишлоғидан оқиб ўтадиган катта ариққа уни улоқтириб, йўлда давом этдилар.

Бирок, жиноятчилар узоққа ке-

тиша олмади. Ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўша кун-иёқ қўлга олинди.

Умр инсонга бир мартаба берилади. Унинг ҳар сониясидан унумли фойдаланиш, ҳаётда нури из қолдириб яшаш буюк бахтдир. Афсуслар бўлсинки, буни ҳамма ҳам тўри тушунавермайди. Масалан, фуқаро Рустам Исанов умри бино бўлиб, бирон хайрли ишга қўл урмаган. Аслида бир кўрган киши қўй оғзидан чўп олмаган, камсуқум йигит экан, деган фикрга боради. Лекин бу устаси фаранг йиллар мобайнида одамларни қақшатиб, ўғрилик содир этганига нима дейсиз?

Рустам содир этган жиноятлари учун судланган, тегишли жазосини олиб, боши ҳам бўлганди. Шунда ҳам инсонга кирмади. Хуқуқ-тартибот идоралари ходимларини қуруқ ваъдалар билан алдаб келди. Ҳалол меҳнат билан пуноҳини ювман, дея ишонтирди. Инсонда дийнат бўлмаса ҳаммаси беқор экан. Кунларнинг бирида Р.Исанов ҳамтовоғи У.Қодиров билан жиний тил бирик-тириб, шифокор уйга ўғриликка тушибди. Қўзга қуриган қимматбаҳо анжомларни ўмариб, ярим тунда қўздан гоийб бўлиш-

Қонун барчага баробар

ди. Улар қанчалик устаомонлик қилишмасин, ички ишлар ходимлари томонидан фош этилиб, адолат судига топширилди. Қизиғи шундаки, энди икки натован зўр бериб кечирим сурашар, қўз ёши ўқишарди. Бари бейфойда, жиноятга жазо муқаррар!

ЭСИЗ УМР, ОДАМГАРЧИЛИК

Шокир Расулов билан ҳатто яқинлари ҳам эҳтиёт бўлиб гап-лашмади. Нега деганда, аввал талончилик қилганлиги, гийёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сақлаганлиги учун тўрт бора судланган. Аммо инсон табиати қизиқ, қимларди бу қишлоқ йигити тўғри йўлга тушиб олди, деган ҳаёлда мурувват қилди, ёрдамчини аямди. Маҳаллақўй, яқинларининг бепарволигидан фойдаланган Шокир қаторасига безориликлар қилиб, қора курсида ўтирган Раҳмеддин Ҳасанов билан топишди-ю, эски хунарини бошлади. Дастлаб қиттай қиттайдан сўнг, шер бўлиб қишлоқнинг бошига кўтаришди. Бор-лиқни қоронғилик қоплаганда эса анчадан бунён мўлжал қилган фуқаро Павел Колесников хонадо-

нига бостириб кириб, ўғрилик содир этишди. Бирок, тунги шарпларнинг ўзига хос белгилари хуқуқ идоралари ходимларига яхши таниш эди. Шу боис жиноятни очиб қилиш кечмади. Оқибатда яна икки ўғри қора курсидан ўрин олди.

Денов тумани прокуратураси ва бошқа ошйишталик посбонлари ҳамжиҳатлиқда ҳаракат қилиб, қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқарувчи иллатларга қарши муросасиз курашишмоқда. Бу ҳақда тегишли жойларга тақдимномалар, эътирозномалар киритилди. 158 та интизомий прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. Судларга 194 та даъво аризаси киритилди. Савол туғилади, ҳўш, шундай бўлса-да нима сабабдан ўғрилик, оғир жиноятлар содир этиш ҳамон учрамоқда. Жавоби тайин: одамларимиздаги ноўрин қўнгилчанлик, лоқайдилик, ярамас ҳолатларни қилиб-билмасликка, қўриб-қўрмасликка олиш қимматга тушмоқда. Барча бир ёқадан бош чиқариб, курашган тақдирдагина ярамас иллатларнинг илдиизига болта уриш мумкин.

Ш.ИСКАНДРОВА,
«Ишонч» муҳбири

Ғазал шарҳи

Кўп қувонма, кўрмишам деб неча ою йил ҳаёт, Суд йўқтур, юз мунигдек бўлса беҳосил ҳаёт.

Кўрганнинг бари абас — фармони Раҳмон тутмасанг, Чунки шайтон ҳам кўраб то сури Исрофил ҳаёт.

Умр айём баҳорин боғидин бир тоза гул — Узмайин кечти бари ҳасрат билан гофил ҳаёт.

Келмагу кетмак гузаргоҳида, равшан бил мун, Қанчақим умринг кечар, бир лаҳзалик манзил ҳаёт.

Хизрҳиммат бир Масиҳодам керак, эй мурда дил, Аҳли дилга сўхбати донои дарёдил, ҳаёт.

Бехабар ўлтурма, доим турмоғинг имкони йўқ, Бил яқин ҳар бир нафас, чун ноҳаю муҳал ҳаёт.

Жоми завқи ишқдин нўш эт муҳаббат базмида, Шамъига парвонадек куймоқлигини бил ҳаёт.

Маърифатдан беҳабарким, вой, беҳосил вужуд, Утқарурсан дам-бадам, фарё, ноқобил ҳаёт!

Ё Раб, эт фазлинг билан нуқсон Юсуфни камол, Хурмати ул зотларким, кечтулар комил ҳаёт.

Жоми завқи ишқдин нўш эт муҳаббат базмида, Шамъига парвонадек куймоқлигини бил ҳаёт.

Муҳаббат - ҳаётнинг маъноси. Чунки дунё ҳам муҳаббат туфайли пайдо бўлган ва муҳаббат туфайли пойдордир. Шундай экан, муҳаббат базмида, ишқ завқини сур, муҳаббат жомини ич, севгилингни хусни шамъига парвонадай куйишни ҳақиқий ҳаёт деб бил!

Шамъ ва парвона - мумтоз сўз санъати, хусусан, тасаввуф адабиётида машхур тимсоллардан. Бунда шамъ - машуқа, парвона - ошиқ рамзи бўлиб келади. Шамъни севган парвона унинг ишқиди ўзини ўтга уриб ёнади ва алал-оқибат

БАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ МАДҲИ



Юнус Ражабий номидаги вилоят муסיқали театрида Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг «Ўзбекистон кўшиқ байрами» аънаввий кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган кўшиқ байрамида она юрт, истиқлол, Ватанга муҳаббат ва бахтни тараннум этувчи кўшиқлар янгради.

Мамлакатимиздаги касб-хунар коллежларида таълим олаётган ўқувчиларнинг санъатга қизиқишларини кучайтириш, кўшиқчиликда ўзига хос йўлни танлаган истеводларни қўллаб-қувватлаш, миллий санъатимизни тарғиб этиш орқали ёшларнинг маънавий дунёсини янада бойитиш мақсадида ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танлов уч босқичдан иборат бўлиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган ўн тўрт жамоа иштирок этди.

Биринчи ўринга Урганч иқтисодиёт касб-хунар коллежининг «Хазина» ҳамда Самарқанд шаҳридаги 2-тиббийёт коллежининг «Меҳригиё» бадиий жамоалари муносиб деб топилди. Иккинчи ўринни уч жамоа - Ғаллаорол тиббийёт коллежининг «Наво», 1-Тошкент педагогика ва Кувасой сановат касб-хунар коллежи ҳаваскорлари эгаллади. Бойсун қурилиш коллежи, Бухоро кооператив коллежи, Қарши педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ҳамда Ангрен политехника коллежи ўқувчиларига ўчинчи ўрин берилди.

(ЎЗА)



Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳам маънавий ҳам жисмоний бақувват, баркамол авлодни тарбиялаш, бутун жамиятнинг, шу юрда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши. Инсоний бурчидир.

ёт ходимлари жойларда бепул тиббий қуриқдан ўтказилмоқда. 15-16 ёшли шахсларга ҳафтасига 24

ЯХШИЛИК ЯХШИЛИКДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Бу шарафли, айни пайтда ниятда масъулиятли вазифа кўпроқ шифокорлар зиммасига тушади. Негаки, кўнгли ҳам кийимидек оппоқ шифокорлар хамиша халқ хизматидир. Бу йўлда улар тунларни тонларга улайдилар. Бемор бошида тунларни бедор ўтказиб, илмини қурол қилиб касалликларга қарши курашдилар. Бизнинг фаолиятимиз ана шундай фидойий, шамдек ёниб, ўзгаларга ёруғлик, яхшилик улашувчи тиббийёт ходимларини қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, олиаси, фарзандлари учун ғамхўрликлар кўрсатишга қаратилган.

Жиззах вилоят соғлиқ-ни сақлаш бoshқарма ва тармоқ касаба уюшма қимматли ҳамкорликда тармоқ ходимларини, талаба-ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя этиш, жойларда хотин-қизлар муҳофазаси бўйича бир қатор эзгу ишларни амалга ошириди.

Жамоа келишувида келтирилган бандлар 92 фоизга бажарилишига эришилди. Вилоятимиздаги туман, шаҳар, вилоят касалхоналари рентген, физиотерапия, лаборатория, кир ювиш, стерилизация хоналарида ишловчи ходимларнинг янада самаралироқ ишлашларига, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишларига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жўрабек ҚУВОНДИКОВ

ОЛДИМИЗДАН ОҚҚАН СУВ

1985 йил Кўшработ туманидаги Кўшгоҳ қишлоғида топиладиган маъданли сувнинг доғури мамлакатимизнинг турли бурчларига тарқатилади. Семашко номидаги илмий-тектириш институти курортология бўлимининг мутахассислари ер остидан чиқарган бу ныматни машхур Қрим сийхатхоналаридаги сувларга тенглаштириб, уни қон-томир, асаб, гинекологик, тери, ошқозон-ичак, жигар, ўт, бўйрак каби хасталикларни даволашда шифобахш эканлиги тўғрисида ўз хулосаларини беришди.

Шундан сўнг шифокор Кубай Исмоиловнинг ташаббуси билан, бу ерда хозирлик ишлари бошланди. Дастлабки даволалар ишларида натижа қутилганидан ҳам яхши самара беради. Аммо сийхатхонанинг имкониятини чекланган бўлиб, беморлар фақат ёзининг иссиқ кунларидагина даволанишлари мумкин эди.

Муштарий мулоҳазаси

Шу сабабли 1991 йилда ҳамма фаслда ҳам фаолият юрота оладиган элик ўринга мулжалланган замонавий санаторий қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бирок қувонимиз узоққа чўзилмади, қурилиш тўхтаб қолди. Бир неча йиллар аввал ўзининг шифобахш суви билан қанчадан-қанча беморларнинг шифо топишига хизмат қилган бу макондан бугунги кунда ҳеч ким фойдаланиш олмапти. Устига-устай унинг деворлари нурак бошлади, устун-пештоқлари дарз кетди, эшик-деризалари ҳам йўқола бошлади. Хуллас, яхши ният билан қўл урилган қурилиш охирига етказилмай, қайта таъмир-талаб бўлиб қолди.

Наҳотки, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари рост бўлса? Она заманимиз бағри шифобахш сувларга, доривор гиёҳларга бой. Агар табиатнинг бундай инъомидан самарали фойдаланилса, неча-неча дардманд кишилар даво топади, қанчадан-қанча дармад олинган, табиийки, ўш ўринлари яратилган бўлур эди.

А.ҚАРИШЕВ, II гуруҳ нағирони

Ўзбекистон кичик, ўрта бизнес, матбуот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмасининг Марказий Кенгаши «Тошкент Универмаги» супермаркет очиб савдо ишлаб чиқариш жамияти бошқарувининг раиси, Марказий Кенгаш раёсатининг аъзоси Ҳабибулла Шариповга волидан муҳтарамаси ШАҒОАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Болаликнинг бахтли онлари

Туман ҳокими ташаббуси билан барча мактаб, ўрта махсус ўқув юрти ва болалар боғчаларида ёрдамчи ҳўжалик ташкил қилиш учун ерлар ажратиб берилди. «Шодлик» болалар боғчасига ажратилган 5

ди: - Дароматни қўлайтириб соф фойда ҳисобидан боғчамизга компьютерлар олиш, қишки бассейн, сузиш ҳавзалари, душлар бунёд этиш ниятидими. Боғча бирувчиларининг қўлларида гул, китоб, дафтар, ручкалари билан мактабга кузатиб қолишга ҳозирлик қўйимиз. Қолаверса, мураббийларимиз меҳнатини рағбатлантириш ҳам асосий вазифаларимиздан ўрин олган.

Фарзандларимиз камоли йўлида улгувор чўққиларни қўзлаб, тер тўкаётган Жумагул Раҳимовага Фания Шодиева, Муҳаббат Ҳубоева, Роза Шўломнова, Ҳабиба Машарипова, Умида Абдуллаева сингари моҳир мураббийлар суянч бўлишмоқда. Уларнинг ўзaro самимий ҳамкорликлари натижасида соғлом авлод камоли йўлида катта ўтуқлар қўлга киритилляпти.

М.АЙТИМОВ

БОҒЧАДАН ГУЛ ВА КИТОБ БИЛАН

«Шодлик» болалар боғчасига қарийб чорак асрдан бери тажрибали мураббий, «Шуҳрат» медали нишондори Жумагул Раҳимова етакчилиги қилиб келади. Айни кунда бу ерда 280 нафарга яқин жажжи болақайлар тарбияланмоқда. Тарбия маскани Жумагул опаннинг савъ-ҳаракатлари билан нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимиздаги энг яхши боғчалар каторидан муносиб ўрин олади. Бу ерда турли тўғараклар, музей, мониторинг хоналари фаолият кўрсатмоқда.

Боғча ҳудудидида ташкил этилган иссиқхона болаларни кишин-ёзин сервитамин қўқатлар билан таъминламоқда. Боғчада озик-оқат, узум, мева ва полиз экинлари, сабзавотларни табиий ҳолда сақлашга мослашган махсус оғборлар мавжуд. Шунингдек, болажонларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш учун гуллар ва ўсимликлардан тайёрланган дозирворлар фитоёри ишлаб турибди. Боғча атрофи 1000 турлидан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар билан ўралган. Сервос жойларга ўрнатилган спорт инвентарлари, ўйинчоқлар, сузиш ҳавзаси ва ўйингоҳ болалар хизматиди. «Табиатни ўрга-

намиз» тўғараги иштирокчилари ихтиёрида 100 дан ортиқ ғоз, ўрдақ, товуқ, тўти ва 20 дан зиёд қўн, типратқан сақланмоқда. Маълумки, Қорақалпоғистон шароитида арча ниҳолларини етиштириш ўта сермашқат юмуш. Шунга қарамақдан эндиликда боғчада йилига 5-8 минг тул арча кўчатлари уруғдан қўлайтирилиб, турли ташкилот ва муассасаларга сотилмоқда.

Ш.ОДИНАЕВ

Наманганда бўлиб ўтган кураш, футбол, арқон тортиш бўйича республика мусобақалари йил охирида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари учун ўзига хос имтиҳон бўлди. Унда мамлакатнинг ўн бир вилояти ва Тошкентнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қoшидаги спорт мактабларида тахсил олаётган ўсмирлар қатнашди.

СПОРТ МАЙДОНИДАГИ ИМТИҲОН

Вилоят маркази спорт майдонлари бир неча кун давомида навақирон спортчиларнинг қизгин тортишувларига гувоҳ бўлди. Футбол бўйича мусобақаларда Наманган вилояти спортчилари финал босқичида пойтахт вилояти футболчиларини ортда қолдириб, биринчи ўринни қўлга киритди. Қашқадарь, Сурхондарь, Хоразм, Наманган вилоятлари ёш курашчилари ўзбек кураши бўйича тортишувларда совринли ўринларга сазовор бўлдилар. Арқон тортишда Андижон, Наманган ва Тошкент вилояти вакиллари тенг келадигани бўлмади.

ОИЛАВИЙ МУСОБАҚА Ғолибларига бепул йўлланмалар

Кўргонтепада бўлсангиз, илгарилари қузатилмаган манзарога кўзингиз тушади. Эрталаб маҳалла кўчалари, йўлақларда спорт кийимидида чопиб бораётган киз-йигитларни, ўсмир шиларни, хатто нурунийларни учратасиз. Спорт заллари, ўйингоҳларда бадатарбия билан машғул катта ва кичик ёшдаги фуқароларга кўзингиз тушади, футбол тўпи ёки шохмат тахтасини қўлтўқлаб ўйингоҳларга шошаётган ёшларни кўрасиз.

Яқинда туман бош ўйингоҳида ўтказилган «Соғлом оила» бешлашувлари ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Туман ҳокимлиги, агроасаноат мажмуи касаба уюшмалари тармоқ кўмитаси, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими, «Маҳалла» жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилган мусобақада 20 та оиланинг 60 нафарга яқин вакиллари, шунингдек, кор-

ринчи, Пахта тозалаш ҳиссдорлик жамиятидан Сатимбоевлар оиласи иккинчи, «Кўргонтепа» ширкат ҳўжалигидан Илёсоевлар оиласи учинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Худойбердиевлар оиласини кўпчилик шохматчи дари оиласи сифатида танийди. Мазкур спорт тур бўйича баҳсдорлар оила бошлиғи Абдуҳалим, ўй бекаси Одинахонов, киз Мафрузаюнона тенгашакиданлар топилмади. Улар турнида барча рақибларини доғда қолдириб, биринчи ўринга муассар бўлдилар. «Янги ҳаёт» маҳалласидидаги ўқитувчилар оиласи Азамат

Эрғаш ОЧИЛОВ, филологик фанлари номзоди

Юсуфжонлар энгил атлетиканинг ҳадисини олган. Бўш вақтларини мактаб стадионларида машқ билан ўтказдилар. Бу ў самарасини берди. Турмушдоши Рўзихон Усмонова билан Азаматжон спортчи оилалар ўртасида шохсурага қўтарилиди.

«Соғлом оила» спорт мусобақаларини ташкил этиш ва оммалаштиришда туман ҳокимлигининг жонқуярлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳокимлик тумандаги ташкилот ва ҳўжалиқлар фалолари бошини қувштириб, мусобақани уюшқоқлик билан ўтказишга эришти. Пешқадамлар қимматбаҳо эодлик совғалари ва пул мукофотлари билан рағбатлантирилди. Шахсий бешлашувларда яхши натижага эришган спортчиларга дам олиш уйларига бепул йўлланмалар берилди.

Ш.ОДИНАЕВ

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЙМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жорня Алимҳўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибят 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқарувида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.